

## СИНТАКТИК ПАРАЛЛЕЛИЗМ ВА АНТИТЕЗА КОНВЕРГЕНЦИЯСИ

Шодмонов Холматжон Пўлатжон ўғли

Фарғона давлат университети мустақил изланувчиси

*Аннотация:* Мақолада бадий ва поэтик нутқда конвергенция ҳодисасининг юзага келиши ҳақида маълумот бериши билан бирга, синтактик параллелизм ва антитезанинг конвергенция ҳосил қилиши ва бунда матнлардаги стилистик ўзгаришлар таҳлил этилган.

*Калит сўзлар:* конвергенция, синтагматика, параллелизм, стилистика, антитеза, поэтика, стилистика, экспрессивлик.

*Аннотация:* Помимо предоставления информации о явлении конвергенции в художественно-поэтической речи, в статье анализируется конвергенция синтаксических параллелизмов и антитез, а также стилистические изменения в текстах.

*Ключевые слова:* конвергенция, синтагматика, параллелизм, стилистика, антитеза, поэтика, стилистика, экспрессивность.

*Annotation:* In addition to providing information about the phenomenon of convergence in artistic and poetic speech, the article analyzes the convergence of syntactic parallelisms and antitheses, as well as stylistic changes in texts.

*Keywords:* convergence, syntagmatics, parallelism, stylistics, antithesis, poetics, stylistics, expressivity.

Стилистик конвергенция ҳодисасининг бадий матнлар таркибидаги иштирокини ўрганиш қайсидир маънода муаллиф идиостилини аниқлаш ва баҳолашнинг лисоний мезонларидан бири саналади.

Қўйилаётган масаланинг моҳияти ва долзарблиги шундаки, стилистик конвергенциянинг матннинг коммуникатив стилистикаси, когнитив лингвистика, антропоцентризм назарияси соҳалари билан кесишувида ўрганилиши тил шахсининг асосий лингвистик белги хусусиятларини, яъни нутқ муаллифининг коммуникация жараёнида матн (нутқ) яратиш ва ўқувчига таъсир қилиш механизмини шакллантириш маҳоратини ўрганишга ёрдам беради. Зеро, “лисоний тадқиқотларда масалага бир нечта соҳа нуқтаи назаридан ва бир нечта соҳа мезонлар асосидаги ёндашув тилшуносликда самарали натижаларга олиб келади [5:37].

Тилшуносликда конвергенция атамаси биринчи марта немис тилшуноси М.Риффатер томонидан қўлланилган бўлиб, у бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: “Конвергенция – бу, маълум бир стилистик мақсадда икки ва ундан ортиқ синтактик-стилистик воситаларнинг биргаликда қўлланиши натижасида юзага юзага келувчи нутқ ҳодисасидир” [3:16]. Кўринадика

мазкур атамани тилшунос-олим тилшуносликнинг синтактик-стилистика соҳасида қайд этган. Дарҳақиқат, мазкур ҳодиса синтактик-стилистика соҳасининг, айниқса, синтактик-стилистик воситалардан бир нечтасининг бадиий ёки поэтик матнларда ҳиссий-таъсирийлиликни кучайтириш, экспрессивликни кўтариш мақсадида биргаликда қўлланишида юзага келади. Мазкур мақолада биз энг маҳсулдор воситалар ҳисобланган синтактик-структурал параллелизм ва антитезанинг битта синтактик бутунлик таркибида биргаликда қўлланиб, конвергенция ҳосил қилиши ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, параллелизм (юнонча, *parallelos* – ёнма-ён борувчи) ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши ҳисобланади. Синтактик параллелизм поэтик нутқнинг асосий синтактик фигураларидан бири бўлиб, таъсирийликни ошириш, ички ритми кучайтириш мақсадида қўлланади. Синтактик параллелизмлар ўзбек тилшунослигида Р.М.Шукуров томонидан монографик планда махсус ўрганилган [4:23]. Мазкур синтактик фигура ҳақидаги маълумотларни бошқа тилшунослар ишларидан ҳам олиш мумкин. Демак, синтактик параллелизм ўзбек тилшунослигида лингвистик восита ёки синтактик фигура сифатида кенг ва атрофлича тадқиқ этилган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, биз бу ўринда унинг поэтик нутқдаги вазифаси нуқтаи назаридан айрим хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, синтактик параллелизм поэтик нутқнинг махсус синтактик фигураси сифатида сатрларнинг тенг урғули синтагмаларга бўлиниши, сатрлардаги бўлақларнинг параллел ҳолда жойлашувига асосланади:

Сенга лабларимни тегизмайман, Ой,

Сенга зиёнимни еткизмайман, Гул. (Иқбол Мирзо)

Далил учун келтирилган юқоридаги мисолни таҳлил этадиган бўлсак, аён бўладики, шеърий матннинг икки сатри ҳам тўлиқ синтактик параллелик асосида шаклланган. Бунда бўлақлар бир хил параллеликда, яъни тўлдирувчи-тўлдирувчи-кесим-ундалма тарзида бир хил такрорланган. Шунинг учун ҳам бу матн парчасида оҳангдорлик ва мусиқийлик юқори даражада ифода этилган. Синтактик параллелизмнинг асосий вазифаси ҳам ана шундан иборатдир.

Антитеза эса бир-бирига зид, қарама-қарши бўлган икки тушунча, образ, воқеа-ҳодисалар ёки уларнинг бирор бир белгисини қиёслаш асосида юзага келади. Тилшуносликда антитеза бадиий ва поэтик нутқнинг алоҳида экспрессив-стилистик функция бажарувчи фигураси сифатида талқин этилади [1:22]. Поэтик ва бадиий матнларда қарама-қаршилиқ ва зидлик грамматик, лексик ва композицион бирликлар воситасида ифода этилади. Улар антитезали

муносабатларни юзага чиқарувчи воситалар ҳисобланиб, антитеза орқали ифода этилаётган таъсирийлик даражаси мазкур воситаларнинг ифода имкониятлар билан боғлиқ бўлади, яъни ифодавий мазмун қанчалар чуқур бўлса, антитеза шунча кенг услубий функция бажаради. Матнларда антитезанинг шундай чуқур ва таъсирли ифода воситалари ҳам учрайдики, уларда ҳиссий-таъсирийлик ва экспрессивлик жуда юқори бўлади:

Оқ юзидан қаро доғлар кетдими,

Оппоқ юзи кўнглим қаро этдими. (Х. Даврон)

Сатрларида оқ-қаро, оппоқ-қаро антитезали муносабатлар ифодасида таъсирийлик, тасвирийлик ва экспрессивлик кенгроқ, чуқурроқ эканлиги кўзга ташланади. Бу билан антитезанинг функцияси синтактик қурилмалар таркибида бирмунча оширилгани кузатилади.

Айрим бадиий ёки поэтик матнларда синтактик параллелизм ва антитеза биргаликда қўлланиб конвергенция ҳодисасини юзага келтиради. Бундай синтактик қурилмаларда эмоционал-экспрессивлик янада кучаяди, нутқ таъсирчанлигининг ошиб бориши билан бирга, тингловчига воқеликни таъсирли ва образли тарзда тушунтирилиши, берилаётган ахборотни тўлақонли етказилишини таъминлайди, шунингдек, улар синтактик қурилмаларни шакллантирувчи восита вазифасини ҳам бажариб келади:

Қонимда бир шарпа, - мушукдай ювош,

Ёнимда бир шарпа, - мушукдай ваҳший, (Иқбол Мирзо)

Келтирилган матн парчасида ҳам синтактик параллелизм – бир хил бўлақларнинг параллел ҳолда қўлланиши билан бирга, ювош-ваҳший антонимик лексемалари воситасида антитеза ҳодисаси ҳам ифода воситаси сифатида қўлланилганини кузатишимиз мумкин. Ўзбек матнларида юқоридаги каби мисолларни жуда кўп учратишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, синтактик параллелизм ва антитеза ўзбек бадиий ва поэтик матнларидаги энг маҳсулдор воситалар саналиб, уларнинг биргаликда қўлланиши конвергенция ҳодисасининг ёрқин намунаси ҳисобланади ва ўзбек тилининг ифода имкониятлари нақадар кенг эканлигини кўрсатади.

#### **Адабиётлар:**

- 1.Вертаева Л. В. Антитеза как принцип организации художественного текста (на материале современного английского языка): автореф. дис. канд. филол. наук. – Минск, 1984. – 22 с.
- 2.Винокур Т. Г. Говорящий и слушающий: Варианты речевого поведения / Изд. 4-е. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009.
- 3.Riffaterre V. Criteria for Style Analysis // Word. – April 1959. №1. - P 15-18.
- 4.Шукуров Р. М. Параллел синтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. . дис. автореф. – Фарғона, 2004. – Б 23.